

“Ўзбек геология кидирув” акциядорлик жамияти
ягона акциядорининг 3 -сон
ҚАРОРИ

2021 йил 18 октябрь

Тошкент шаҳри

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сонли Фармонига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПК-5083-сон Қарорига асосан “Ўзбек геология кидирув” акциядорлик жамияти ягона акциядори томонидан қуйидаги масалалар юзасидан қабул қилинди:

КУН ТАРТИБИ

1. “Ўзбек геология кидирув” АЖнинг бирламчи акциялар чиқарилиши тўғрисида.
2. “Ўзбек геология кидирув” АЖнинг бирламчи акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш.
3. “Ўзбек геология кидирув” АЖ фаолиятига корпоратив бошқарув кодексини жорий этиш ҳамда корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини қабул қилганлиги тўғрисида хабар бериш шаклини тасдиқлаш.
4. “Ўзбек геология кидирув” АЖнинг “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш.
5. “Ўзбек геология кидирув” АЖнинг “Қузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш.
6. “Ўзбек геология кидирув” АЖнинг “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш.
7. “Ўзбек геология кидирув” АЖнинг “Ижроия органи тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш.
8. “Ўзбек геология кидирув” АЖнинг “Манфаатлар тўқнашувда ҳаракатлар тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш.
9. “Ўзбек геология кидирув” АЖнинг “Ички назорати тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш.
10. “Ўзбек геология кидирув” АЖнинг “Ахборот сиёсати тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш.
11. “Ўзбек геология кидирув” АЖнинг “Дивиденд сиёсати тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш.

12. “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг “Бошқарув ва назорат органлари ҳисоботларига талаблар тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш.

13. “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг “Йирик битимларни тузиш тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш.

14. “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг “Афилланган шахсларнинг ҳисобини юритиш ва афилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш.

15. “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг “Қузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари, шунингдек, бошқарув органи ва назорат қилиш органлари қотиблари функцияларини бажарувчи шахсларга мукофот пули тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш.

16. “Ўзбек геология қидирув” АЖ фаолиятига Корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига риоя қилиш мажбуриятини қабул қилиш.

17. “Ўзбек геология қидирув” АЖ Кузатув кенгаши таркибини ўзгартириш.

ЖАМИЯТ ЯГОНА ТАЪСИСЧИСИ ҚАРОРИ:

Қун тартибидаги биринчи масала юзасидан:

“Ўзбек геология қидирув” АЖнинг устав капитали 801 287 351 200 (саккиз юз бир миллиард икки юз саксон етти миллион уч юз эллик бир минг икки юз) сўм миқдорида тасдиқланганлиги ва номинал қиймати 100 сўмдан бўлган 8 012 873 512 (саккиз миллиард ўн икки миллион саккиз юз етмиш уч минг беш юз ўн икки) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар 100 фоиз давлат улуши сифатида белгилаб қўйилганлиги, шунингдек “Ўзбек геология қидирув” АЖ устав капиталига берилаётган активлар ва “Ўзбек геология қидирув” АЖ устав капитали ўртасидаги 77 сўм 74 тийин фарқ “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг кейинги акциялар чиқарилувида давлат улушини шакллантиришда ҳисобга олиниши белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

“Ўзбек геология қидирув” АЖнинг устав капиталини шакллантириш учун умумий қиймати 801 287 351 200 (саккиз юз бир миллиард икки юз саксон етти миллион уч юз эллик бир минг икки юз) сўмлик номинал қиймати 100 сўмдан бўлган 8 012 873 512 (саккиз миллиард ўн икки миллион саккиз юз етмиш уч минг беш юз ўн икки) дона оддий акциялар чиқарилсин.

Ушбу акциялар ёпиқ обуна орқали “Қизилкумгеология” АЖ, “Самарқандгеология” АЖ, “Сурхонгеология” АЖ, “Ҳисоргеология” АЖ, “Тошкентгеология” АЖ, “Марказий лаборатория” АЖ ва “Геобуртехника” АЖларнинг акцияларини “Ўзбек геология қидирув” АЖ акцияларига

айирбошлаш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига жойлаштирилсин.

Акцияларни айирбошлаш “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг бирламчи акциялар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 15 кун ичида амалга оширилсин.

Акцияларни жойлаштириш номинал қийматда (100 сўм) амалга оширилсин.

Акциялар учун тўлов “Қизилқумгеология” АЖ, “Самарқандгеология” АЖ, “Сурхонгеология” АЖ, “Ҳисоргеология” АЖ, “Тошкентгеология” АЖ, “Марказий лаборатория” АЖ ва “Геобуртехника” АЖларнинг барча активларини ўтказиш-қабул қилиш далолатномаси асосида ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, тўлов воситалари акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб 10 кун ичида қайтарилсин.

Қун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:

“Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятининг бирламчи акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарори 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қун тартибидаги учинчи масала юзасидан:

Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбурияти олинсин.

Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини қабул қилиш тўғрисида хабар бериш шакли 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва жамиятнинг веб-сайтида жойлаштирилсин.

Қун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан:

“Ўзбек геология қидирув” АЖнинг “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низоми 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қун тартибидаги бешинчи масала юзасидан:

“Ўзбек геология қидирув” АЖнинг “Қузатув кенгаши тўғрисида”ги Низоми 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қун тартибидаги олтинчи масала юзасидан:

“Ўзбек геология қидирув” АЖнинг “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низоми 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қун тартибидаги еттинчи масала юзасидан:

“Ўзбек геология қидирув” АЖнинг “Ижроия органи тўғрисида”ги Низоми 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қун тартибидаги сакизинчи масала юзасидан:

“Ўзбек геология қидирув” АЖнинг “Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низоми 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан:

“Ўзбек геология қидирув” АЖнинг “Ички назорат тўғрисида”ги Низоми 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан:

“Ўзбек геология қидирув” АЖнинг “Ахборот сиёсати тўғрисида”ги Низоми 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан:

“Ўзбек геология қидирув” АЖнинг “Дивиденд сиёсати тўғрисида”ги Низоми 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан:

“Ўзбек геология қидирув” АЖнинг “Бошқарув ва назорат органлари ҳисоботларига доир талаблар тўғрисида”ги Низоми 11-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қун тартибидаги ўн учинчи масала юзасидан:

“Ўзбек геология қидирув” АЖнинг “Йирик битимларни тузиш тўғрисида”ги Низоми 12-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қун тартибидаги ўн тўртинчи масала юзасидан:

“Ўзбек геология қидирув” АЖнинг “Аффилланган шахсларнинг ҳисобини юритиш ва аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида”ги Низоми 13-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қун тартибидаги ўн бешинчи масала юзасидан:

“Ўзбек геология қидирув” АЖнинг “Қузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари, шунингдек, бошқарув органи ва назорат қилиш органлари қотиблари функцияларини бажарувчи шахсларга мукофот пули тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низоми 14-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қун тартибидаги ўн олтинчи масала юзасидан:

“Ўзбек геология қидирув” АЖ томонидан Корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига риоя қилиш мажбурияти қабул қилинсин.

Қун тартибидаги ўн еттинчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига ва “Ўзбек геология қидирув” АЖ Уставига асосан Қузатув кенгаши сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш

ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорлар умумий йиғилиш ваколатига кириши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 76-моддасига асосан Кузатув кенгаши аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги 356-сон “Давлат активларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талабларига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги топириғига асосан, “Ўзбек геология кидирув” АЖ Кузатув кенгаши таркибига Давлетяров Азамат Сабиржанович - Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Департамент директори ўрнига Мирхадиев Шухрат Каримович - Вазирлар Маҳкамасининг Геология ва минерал-хомашё базаси масалалари бўйича масъул ходимини киритиш топириғи берилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кун тартибидаги масалалар юзасидан “Ўзбек геология кидирув” АЖнинг Ягона акциядори **қарор қилади:**


“Ўзбек геология кидирув” АЖнинг кузатув кенгаши таркибига Давлетяров Азамат Сабиржанович - Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Департамент директори ўрнига Мирхадиев Шухрат Каримович - Вазирлар Маҳкамасининг Геология ва минерал-хомашё базаси масалалари бўйича масъул ходими киритилсин.

“Ўзбек геология кидирув” акциядорлик жамиятининг бошқарув раиси вазирасини вақтинча бажарувчи Х.У.Исмаиловга “Ўзбек геология кидирув” акциядорлик жамиятининг бирламчи акциялар чиқарилишини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда “Қизилқумгеология” АЖ, “Самарқандгеология” АЖ, “Сурхонгеология” АЖ, “Ҳисоргеология” АЖ, “Тошкентгеология” АЖ, “Марказий лаборатория” АЖ ва “Геобуртехника” АЖлари акциялар чиқарилишларини бекор қилинишини таъминлаш юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси

Молия вазирининг биринчи

ўринбосари



О. Насриддинходжаев